



# Халқ сўзи

Ўзбекистон —  
келажаги  
буюк  
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган


E-mail: Info@xs.uz

2009 йил 1 сентябрь, № 172 (4835)

Сешанба

**МУСТАҚИЛЛИК БИЗ УЧУН — ЎЗЛИГИМИЗНИ АНГЛАШ, ЮРТ ТИНЧЛИГИ ВА  
БАРҚАРОРЛИГИНИНГ, ИНСОН МАНФААТИ, ЭРКИНЛИГИ ВА ФАРОВОНЛИГИНИНГ,  
БИЗ КЎЗЛАГАН ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТ БАРПО ЭТИШНИНГ ГАРОВИДИР.**

## БУЮК МАМЛАКАТНИНГ ҚУТЛУФ ШОДИЁНАСИ



### ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 18 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ ТАБРИК СЎЗИ

Ассалому алайкум, қадрли ватан-дошлар!

Муҳтарам меҳмонлар!

Барчангизни Ватанимиз тарихидаги буюк сана — Ўзбекистон мустақиллигининг 18 йиллик байрами билан чин қалбимдан самимий табриклаб, сизларга, сизлар орқали бутун халқимизга ўзимнинг юксак ҳурмат-эҳтиромим ва меҳр-муҳаббатимни билдиришдан бахтиёрман.

Азиз дўстлар!

Бугун ҳеч кимга сир эмаски, озодлик ва эркинликка, ўз тақдирини ўз қўлига олишга интилган дунёдаги биронта халқ мустақиллик деган улғу ва бебаҳо неъматни, сиёсий ва иқтисодий тобеллик ва қарамлик занжирларидан озод бўлишни ҳеч қачон осонлик билан қўлга киритгани йўқ.

Бу азалий ҳақиқатни биз ўз тарихимизда англадик, бошимиздан ўтказдик.

Биз бундан 18 йил олдин халқимиз асрлар бўйи орзиқиб кутган миллий истиқлолимизни эълон қилиб, ўтган давр мобайнида эзгу орзу-умидларимизга эришиш йўлида эл-юртимиз қанча-қанча узилиш ва азоб-уқубатларни, қанча-қанча етишмовчиликларни, бир сўз билан айтганда, қандай оғир ва машаққатли синовларни бошидан кечирганини бугунги ва келажак авлодлар ҳеч қачон ёдидан чиқармаслиги муқаррар.

Бугун мана шундай улғу ва ҳаммамиз учун ҳақиқатан ҳам азиз айём арафасида босиб ўтган йўлимизни сарҳисоб қилар эканмиз, аввало, ўз куч-қудратимиз ва салоҳиятимизга суяниб, ўзимизга хос ва ўзимизга мос тараққиёт йўлини танлаб олганимиз, шу унутилмас йилларда мардлик ва матонат, чидамлилик ва бағрикенглик кўрсатиб келаётган халқимизнинг фидокорона меҳнати билан жаҳон аҳли эътироф этаётган ютуқ ва марраларга эришаётганимиз барчамизга гуруҳ ва мамнуният етказди, албатта.

Юртимизда янги жамият барпо этишда биз танлаган ва босқичма-босқич, изчил амалга ошираётган ислохотлар модели айтиш шунларда, яъни бутун дунё бошидан кечираётган молявий-иқтисодий инқироз дав-

рида амалда нақадар тўғри эканини ва халқимизнинг манфаатларига тўлиқ жавоб бераётганини ҳаётнинг ўзи тасдиқлаб бермоқда.

Бунинг яққол исботи охириги йилларда ва шу йилнинг ўзиде иқтисодиётимизнинг барқарор суръатлар билан ўсиб, янги марраларга кўтарилиб, юртимизнинг қиёфаси тобора ўзгариб, янада обод бўлаётганида, аҳолимизнинг ҳаёт даражаси, ойлик ва даромадлари узлуksиз юксалиб бораётганида ёрқин намоён бўлмоқда.

Ҳаётимизнинг маъно-мазмуни, мақсадлари ўзгариши билан халқимизнинг, аввало, ёшларимизнинг онгу тафаккури, дунёқараши, фикрлаши, сиёсий-ҳуқуқий маданияти ва ижтимоий фаоллиги юксалиб бораётганини ва бундай ижобий ўзгаришлар бугунги ва эртанги ютуқларимизга мустаҳкам замин тугдираётганини катта мамнуният билан таъкидлаймиз.

Ўтган давр мобайнида кўпни кўрган, меҳнаткаш ва бағрикенг халқимиз ҳақиқий мустақилликка эришиш, истиқлолимизни ҳар қандай хуруж ва ғаразли, ёвуз ҳаракатлардан ҳимоялаш йўлидаги машаққатли курашларда тобланди.

Юртимизда ҳукм сураётган тинч ва осуда ҳаётнинг қадр-қимматини, минтақамизда миллатлар ва динлараро тотувлиқни асраш ва мустаҳкамлаш нақадар муҳим эканини чуқур англаб етди.

Муҳтасар қилиб айтганда, ўтган давр мобайнида бошимиздан кечирган қийинчилик ва синовлар қанчаллик оғир бўлмасин, биз уларнинг барчасига мардона бардош бериб, ўз танлаган йўлимиздан қайтмадик.

Ва ўз олдимизга мақсад қилиб қўйган демократик давлат ва фуқаролик жамияти барпо этиш, шу муқаддас заминимизда яшаётган барча инсонлар учун ҳеч қимдан кам бўлмайдиган эркин, обод ва фаровон ҳаёт қуриш йўлидан ҳеч қачон қайтмаймиз.

Азиз юртдошлар!

Бугун мана шу юксак минбарда туриб, 18 йил давомида бизга хайри-хоҳ бўлиб, бизни қўллаб-қувватлаб,

ёрдам ва мадад бериб келаётган дўсту биродарларимизга, биз билан самарали ҳамкорлик қилаётган мамлакатлар ва халқларга миннатдорлик билдириб, қизгин саломларимизни йўллашга, уларга бахт ва равнақ тилашга рухсат бергайсиз.

Бизнинг бугунги тантанамизда юртимиздаги ҳорихий давлатларнинг элчилари ва халқаро ташкилотларнинг вакилларига, барча азиз меҳмонларимизга юракдан чиққан олқишларимиз билан ўз ҳурмат-эҳтиромимизни изҳор этсак, айни муддао бўлади.

Мана шундай ёруғ кунларга етиб келишда ўзини аямасдан, фидокорона меҳнат қилган, Ўзбекистоннинг оғир юкини ўз елкасида кўтариб келаётган барча-барча юртдошларимизга, мўтабаб кексаларимизга ўз номидан, халқимиз номидан ташаккур билдиришни ҳам қарз, ҳам фарз, деб биламан.

Айни пайтда доимо латофат ва гўзаллик, вафо ва садоқат тимсоли бўлган, ҳаётимизни эзгулик ва меҳрури билан чарогон этиб келаётган мунис аёлларимиз, опа-сингилларимизни самимий қутлаб, уларнинг барчасига сиҳат-саломатлик, бахту саодат, хонадонларига файзу барақа тилайман.

Бугун мана шу кенг майдонни тўлдириб, ўзининг навқирон азму шижоатини намоён этиб ўтирган эл-қизларимизни, ҳақиқатан ҳам эртанги ҳаётимизнинг ҳал қилувчи кучига айланиб бораётган бутун мамлакатимиз ёшларини, уларга таълим бераётган устоз-мураббийларни чин қалбимдан муборакбод этаман.

Юрт учун, эл учун, бизнинг эртанги буюк келажакимиз учун ҳеч қачон, ҳеч қарерда бўш келманг, азиз фарзандларим!

Барчангизни Ватанимиз мустақиллигининг 18 йиллик қутлуғ байрами билан яна бир бор табриклайман.

Юртимиз тинч, халқимиз омон бўлсин!  
Мустақиллигимиз абадий бўлсин!

### Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғида Ватанимиз мустақиллигининг 18 йиллик байрам тантаналари кўтаринки руҳда ўтди.

Ҳаёт ярилибдики, бу мушфиқ замин, жафокаш олам не-не сир-синоатларни бошдан кечирмади. Инсоният қанчадан-қанча уруш ва можароларни кўрди, талафотларга дуч келди. Асрлар алмашди, йиллар ўтди, замон ўзгарди, давр янгиланди. Не бахти, жонажон Ватанимиз Ўзбекистонга Истиқлол деб аталмиш табарруқ неъмат насиб этди. Лекин у ўз-ўзидан, осонлик билан қўлга киритилмади. Хали мустақил тузум ҳукронлиги давридаёқ Ислам Каримовнинг жасорати туфайли азалий одатларимиз тикланиб, миллий қадриятларимиз буй кўрсата бошлади. Наврўз каби халқ сайиллари топталиб, халқ хотирасидан йўқ қилиш даражасига етганда, Президентимиз ҳеч иккиланмасдан, бу байрамни кўтаринки руҳда ўтказишга кўрсатма берганлари асло ёдимиздан кўтарилмайди. Шундай экан, ота-боболаримиз орзулари ушалган кун — Мустақиллик байрамининг ҳар кунини, ҳар соати, ҳар дақиқасини кўзларимизга тўтиб қилиб, шодон тантаналар қилсак аригай. Инчунин, бугун Истиқлолнинг 18-довонидамизки, орта қайрилиб қарасак, оламшумул ютуқларга эришган навқирон мамлакатимизнинг мағрур одимлар ила келажакка дадил бораётганини яққол англаймиз.

Озод ва обод юртга байрамлар ярашади. Бундай элда тотувлик, фаровонлик барқарорлашади, дастурхон тўкин, хирмон баракали бўлади.

Мустақиллик ана шу файзу баракотни олиб келди. 18-йилдирки, биз бу муборак сўзнинг моҳиятини англаб, унинг нималарга қодирлигига гувоҳ бўлмоқдамиз.

2009 йил, 31 август. Пойтахтимизнинг тантаналар нишонланган мўзаам майдони — Алишер Навоий номидаги миллий боғ шодиёнага муносиб тарзда безатилган.

Бу ерга ҳукумат аъзолари, Олий Мажлис Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси депутатлари, Ўзбекистон Қаҳрамонлари, фан, маданият ва санъат намояндалари, ишлаб чиқариш илғорлари, тадбиркорлар, мамлакатимизда фаолият юритаётган хорижий давлатлар элчионалари ҳамда халқаро ташкилотлар вакиллари, чет элдан келган меҳмонлар ташриф буюрган.

Соат 19:30. Майдонга Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов кириб келади. Меҳмонлар Юртбошимизни олқишлар билан кутиб олади. Чорлов мусиқаси янграйди.

Сўз Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовга берилади.

(Давоми 2-бетда).

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ ҲАҚИҚИЙ ЯЛПИ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

2009 йил 29 август кунини Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн тўққизинчи ялпи мажлиси ўз ишини давом эттирди.

Сенаторлар «Археология мероси объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини кўриб чиқдилар. Қонун бу соҳадаги умумэтироф этилган халқаро ҳуқуқий нормаларни ҳисобга олган ҳолда тайёрланганлиги ва археология мероси объектларини муҳофаза қилиш ҳамда улардан фойдаланиш, археология тадқиқотларини амалга ошириш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишга йўналтирилганлиги кўрсатиб ўтилди.

(Давоми 3-бетда).

## АЖДОДЛАР ЁДИ МАНГУ

Ватанимиз мустақиллигининг 18 йиллик байрами нишонланаётган шу кунларда Бўёсув соҳилидаги «Шаҳидлар хотираси» ёдгорлик мажмуи энгратчилар билан ҳар қачонгидан гавжум. Бу қадамжо нафақат шаҳидлар ёдини, балки халқимизнинг кечмишини ўзида мижасам этган тарих китобига ўхшайди.

Бу ерда оталар осуда отаётган тонларга шукрона келтиради. Соғ-саломат камолга етаётган фарзандлари бахтидан масрур оналар чехрасига табасум югуради. Хаёлан тарихнинг қоронғи кўчаларига назар ташлаган ёшлар тинчлик ва истиқлол нақадар улғу неъматлар эканини англайди. Бу ерга келган ҳар бир инсон қалбида шу табарруқ юрт барчамизники, уни кўз

қорачигидек асраб-авайлаш муқаддас бурчимиздир, деган эзгу туйғу жўш уради.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан 2000 йили пойтахтимизда «Шаҳидлар хотираси» хиббони бунёд этилди. Махмуа таркибиде «Қатагон қурбонлари хотираси» музейи ва шу номдаги жамағарма ташкил қилинди. 2001 йилдан буён 31 август мамлакатимизда Қатагон

қурбонларини ёд этиш кунини сифатида нишонлаб келинади.

31 август тонгида пойтахтимиздаги «Шаҳидлар хотираси» хиббониде халқимизнинг озодлиги ва мустақиллиги йўлида қурбон бўлган марҳумларни ёд этиш маросими ўтказилди. Қурьон тиловат қилиниб, қатагон қурбонлари руҳига ҳурмат бажо келтирилди. Маросимда Ўзбекистон

Республикаси Президенти Ислам Каримов иштирок этди.

Президентимиз Ўзбекистон Мусулмонлари идораси раҳбарияти, уламолар, маҳалла фаоллари ва зиёлилар билан бўлиб ўтган суҳбат чоғида қуйидаги фикрларни билдирди: — Мана шундай муборак кунларда, шундай муқаддас жойларда туриб, одам бейхитёр бугунги тинч-осуда ҳаёт, бу кунларнинг қадрига етиш ҳақида ўйлаши табиий, албатта.

(Давоми 2-бетда).

### ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 29 август кунини Оқсаройда АҚШнинг мамлакатимиздаги Фавқуллода ва мухтор элчиси Ричард Норландни қабул қилди.

Мамлакатимиз раҳбари ушбу учрашув Ўзбекистон — АҚШ муносабатларига доир ҳамда минтақавий хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлашда икки ва кўп томонлама ҳамкорликка оид масалалар юзасидан фикр алмашиш учун қўлай имконият эканини таъкидлади.

Р. Норланд самимий қабул учун Президентимизга миннатдорлик билдириб, АҚШ маъмурияти Ўзбекистон билан ҳамкорликни икки томон учун манфаатли бўлган турли соҳаларда ривожлантириш тарафдори эканини таъкидлади.

Суҳбат чоғида Ўзбекистон — АҚШ муносабатларига доир ва томонларни қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан фикр алмашилди.

(ЎЗА).

## САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

Ўзбекистон Республикаси  
Президенти Ислам Каримов  
Жаноби Олийларига

Жаноби Олийлари!  
Ўзбекистон Республикасининг Мустақиллик кунини байрами муносабати билан Сиз, Жаноби Олийларига ўз самимий табрикларини йўллашга ва Сизга чин қалбдан бахт-саодат, халқингизга фаровонлик тилакларини билдиришга ижозат бергайсиз.

Акижито,  
Япония Императори.

Ўзбекистон Республикаси  
Президенти Ислам Каримов  
Жаноби Олийларига

Ўзбекистон Республикасининг Мустақиллик кунини муносабати билан Сиз, Жаноби Олийларига ўз самимий табрикларини, соғлиқ ва бахт-саодат, Ўзбекистон Республикаси ва унинг халқига эса тараққиёт ва фаровонлик тилаб, энг эзгу истақларимизни изҳор этаман.

Пуанпон,  
Таиланд Қироли.

Ўзбекистон Республикаси  
Президенти Ислам Каримов  
Жаноби Олийларига

Муҳтарам жаноб Президент!  
Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 18 йиллиги ва Тошкент шаҳрининг 2200 йиллиги муносабати билан Сиз, Жаноби Олийларини ва биродар ўзбек халқини Туркия халқи ва ўз номидан чин қалбдан муборакбод этаман.

Халқларимиз ўртасида асрлар мобайнида шаклланиб келган ҳамда муштарак маданият, тил ва тарихга асосланган узилмас қардошлик ва дўстлик ришталарининг янада ривож топиши, шунингдек, ҳаётнинг барча жабҳаларида ўзаро ҳамкорликнинг мустаҳкамлашига хайрихоҳ самимий тилакларимизни қабул этгайсиз.

Фурсатдан фойдаланиб, Сиз, Жаноби Олийларига соғлиқ ва бахт, қардош ўзбек халқига омонлик ва фаровонлик тилайман.

Абдуллоҳ Гул,  
Туркия Республикаси Президенти.



**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ҚАРОИ**  
**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАБИАТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИНING РАИСИНИ ЛАВОЗИМИДАН ОЗОД ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА**

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Борий Ботирович **Алихон** бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси раиси лавозимидан озод қилинсин.

2. Ушбу Қарор қабул қилинган кундан эътиборан қўлга кирлади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Раиси **И. СОБИРОВ**

Тошкент шаҳри, 2009 йил 29 август

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ҚАРОИ**  
**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАБИАТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИНING РАИСИНИ ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА**

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Нариман Маджидович **Умаров** Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси раиси этиб тайинлансин.

2. Ушбу Қарор қабул қилинган кундан эътиборан қўлга кирлади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Раиси **И. СОБИРОВ**

Тошкент шаҳри, 2009 йил 29 август

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ҚАРОИ**  
**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ СУДИ ТАРКИБИГА ЎЗГАРТИШЛАР КИРИТИШ ТЎҒРИСИДА**

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Куйидагилар Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судьяси этиб сайлансин: Абдумажит **Уралов** Арислан Усмонович **Усмонов**.

2. Ушбу Қарор қабул қилинган кундан эътиборан қўлга кирлади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Раиси **И. СОБИРОВ**

Тошкент шаҳри, 2009 йил 29 август

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ҚАРОИ**  
**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ХЎЖАЛИК СУДИ ТАРКИБИГА ЎЗГАРТИШЛАР КИРИТИШ ТЎҒРИСИДА**

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Собир Борович **Холбаев** Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди раисининг ўринбосари этиб сайлансин.

2. Анвар Лугманович **Ибрагимов** Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик судининг судьяси этиб сайлансин.

3. Ушбу Қарор қабул қилинган кундан эътиборан қўлга кирлади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Раиси **И. СОБИРОВ**

Тошкент шаҳри, 2009 йил 29 август

**Истиқлолнинг ўтган даврга назар ташласак, жамиятимизнинг ислоҳ қилиш, демократлаштириш, одамлар тафаккурини ўзгартириш, турмуш фаровонлигини ошириш йўлида улғувор ишлар амалга оширилганлиги ва бу ислохларнинг изчиллиги билан давом этирилаётганига гувоҳ бўламиз.** Зеро, ҳуқуқий демократик давлат барпо этишнинг муҳим шарти — жамиятда ҳар бир инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашнинг таъминидир. Ҳар бир инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашнинг таъминидир. Ҳар бир инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашнинг таъминидир. Ҳар бир инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашнинг таъминидир.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ ЎН ТЎҚҚИЗИНЧИ ЯЛПИ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ**

(Давоми. Боши 1-бетда).

Қонун археология мероси объекти муҳофазаси қилиш ва улардан фойдаланиш соҳасидаги бошқарув тизимини жорий этиш, тегишли давлат органлари ва ташкилотларнинг ваколатларини, ҳамма учун мажбурий бўлган қонуности ҳужжатларини қабул қилиш тартибини белгилайди. Қонун археология мероси объекти муҳофазаси қилиш ва улардан фойдаланиш жараёнида уларни муҳофазаси қилишнинг самарали механизмини яратди.

Шундан кейин сенаторлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 23 январьдаги қарори билан тасдиқланган «Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастурининг 5.2-бандини, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 17 апрелдаги «Никоҳланувчи шахсларни тегилиб қўриқдан ўтказиш тўғрисидаги низомага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» қарорини бажариш юзасидан ишлаб чиқилган ва қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 17-моддасига қўшимча киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини қўриб чиқиб, маъқуллади.

Шундан кейин сенаторлар Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви раисининг Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг 2008 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботи ҳақидаги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг 2008 йил ҳисоботи ҳисоботи тўғрисидаги масалаларни қўриб чиқди.

Сенаторлар Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ташаббуси билан ишлаб чиқилган «Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 185-моддаси ва Ўзбекистон Республикаси Маъмурий Жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 101-моддасига ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини қўриб чиқди. Қонуннинг асосий мақсади энергиянинг ҳар хил турларидан оқилана фойдаланиш, электр ва иссиқлик тармоқларига ўзбошимчалик билан уланганлик ҳолатларини камайтиришнинг ҳуқуқий механизмларини яратишдан иборат. Қонуннинг қоидалари жиноят тўғрисидаги ва маъмурий қонун ҳужжатларидаги тегишли камчиликларни бартараф этиш, бундай гайриқонуний ҳолатлар учун жавобгарликни белгилайди.


Сенаторлар бир қатор бошқа

қонунларни, жумладан, «Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар ҳукуматлари ўртасида қуруллар, ўқ-дорилар ва портловчи моддаларнинг ноқонуний айланишига қарши курашда ҳамкорлик тўғрисидаги Битимни (Душанбе, 2008 йил 28 август) ратификация қилиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини қўриб чиқди ва маъқуллади.

Автомобилларнинг воситаларининг давлат рақами белгиларини бошқа жиноятларни содир этишда фойдаланиш мақсадида қонунга хилоф равишда эгаллаб олганлик учун жавобгарлик белгилайдиган «Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 227-моддасига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қўриб чиқди. Қонун билан қирғизлаётган ўзгартиришлар жиноят тўғрисидаги қонун ҳужжатларидаги тегишли камчиликни бартараф этиш ва автомобильларнинг воситаларининг давлат рақами белгиларини ўйроқлаш билан боғлиқ жиноятларни очишга қаратилган тезкор қидирув ва тергов ишларининг самардорлигини оширишга ёрдам беради.

Шундан кейин сенаторлар Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви раисининг Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг 2008 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботи ҳақидаги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг 2008 йил ҳисоботи ҳисоботи тўғрисидаги масалаларни қўриб чиқди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви раисининг Ф. Муллажоновнинг ҳисоботи тинглаб ва муҳокама қилиб, сенаторлар Марказий банк 2008 йилда ўз фаолиятини «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банк тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ амалга оширилганлиги ҳамда мамлакатимиз Президентини Ислам Каримов томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 8 февралдаги мажлисида, шунингдек, 2008 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш юзасидан ва 2009 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурининг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги «Мамлакатимизни модернизация қилиш ва янгилашни изчил давом эттириш



— давр талаби» деган маърузасида қўйилган устувор вазиғларнинг, шу жумладан, банк секторидagi ислохотларни чуқурлаштириш соҳасидаги вазиғларнинг амалга оширилишини таъминлаганлигини кўрсатиб ўтди.

Ялпи мажлисда кўрсатиб ўтилганидек, 2008 йилда амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида тижорат банкларининг умумий капитали 2007 йилдагига нисбатан 40 фоиздан зиёд бўлди. Банк соҳасини кенгайтириш, янги минибанклар ва филиалларни очиб, шунингдек, кредит уюшмалари ҳамда микрокредит ташкилотларининг фаолиятини ташкил этиш ҳисобига банк-молия тизимида рақобатчилик муносабатларини кенгайтириш учун зарур шароитлар яратилганда, иқтисодиётнинг реал секторидagi корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш лойиҳаларини амалга оширишга, шунингдек, кичик бизнес субъектларини, фермер хўжалиқларини ва хусусий тадбиркорликни молиявий қўллаб-қувватлашга йўналтирилган маблағларнинг ҳажми анча кўпайтирилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари мувофиқ, иқтисодиёт тармоқларини мувоzanатли ва барқарор ривожлантиришга қаратилган инқирозга қарши тадбирларни амалга ошириш доирасида иқтисодий ночор корхоналарни молиявий соғломлаштириш ва фаолиятини қайта тиклаш учун 78 та банкрот корхона тижорат банкларининг балансига қабул қилинди. Улар негизда 33 та янги корхона ташкил этилди, шу-

нингдек, 33 та корхона янги инвесторларга 487 миллиард сўмга сотилди.

Банк капитали ва депозитларнинг юқори суръатлар билан ўсиши, ўз навбатида, банкларнинг иқтисодиётнинг реал секторини молиявий қўллаб-қувватлашдаги иштироки фаоллашуви ва уларнинг активлари кўпайишига илҳомий таъсир кўрсатди. 2008 йилда банкларнинг активлари 2,8 триллион сўмга ёки 30 фоизга кўпайди ва 2009 йил 1 январь ҳолатига 12,1 триллион сўмни ташкил этди.

Ҳисоботни муҳокама қилиш асосида Ўзбекистон Республикасининг Марказий банк иқтисодий ислохотларни амалга ошириш ҳамда жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози мамлакатимиз иқтисодиётига салбий таъсир кўрсатишининг олдини олиш жараёнида банк тизимининг иштирокини янада кенгайтириш, миллий валютанинг барқарорлигини мустаҳкамлаш ва бутун банк тизимининг самардорлигини ошириш ишларини давом эттириш зарурлиги кўрсатиб ўтилди.

Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг 2008 йилги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботни қўриб чиқиш чоғида мамлакатнинг олий молиявий назорат органи томонидан ҳисобот даврида бир қатор устувор йўналишларда, чунончи, ўтган йилги Давлат бюджетининг ижроси ҳақидаги ҳисоботни ташқи аудит қилиш ва баҳолаш, солиқ-бюджет сиёсатининг асосий йўналишларини ва Ўзбекистон Республикасининг 2009 йилги Давлат бюджет лойиҳасини экспертиза қилиш, Давлат бюджет харажатларининг бюджет

маблағлари билан таъминланганлигини, солиқлар ва мажбурий тўловларнинг иқтисодиётни ривожлантиришга ҳамда аҳоли даромадларини кўпайтиришга таъсир этувчи восита сифатида фискал сиёсатдаги ролини таҳлил қилиш бўйича қатор назорат тадбирлари амалга оширилганлигини кўрсатиб ўтилди.

Шу билан бирга, Ҳисоб палатаси ўз фаолиятида фақат молиявий ҳуқуқбузарликларни аниқлаш билангина чекланиб қолмасдан, уларнинг келиб чиқиш сабабларини ҳам чуқур ўрганди, тегишли вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бундай ҳуқуқбузарликларни бартараф этиш ва бундан буён уларга йўл қўймаслик юзасидан тақлифлар ишлаб чиқди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари мувофиқ, инқирозга қарши чоралар доирасида белгиланган устувор вазиғлардан келиб чиққан ҳолда, мамлакатимизнинг йирик санъат корхоналарини томонидан ўз маҳсулотларининг таннархини пасайтириш бўйича қўрилаётган чора-тадбирлар, иқтисодиётнинг реал секторини ривожлантириш ҳамда аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашга ажратилаётган давлат маблағларидан тижорат банкларининг фойдаланиш самардорлиги ўрганилмоқда.

Сенаторлар томонидан Ҳисоб палатаси тадбирларининг таъсирчанлиги ва самардорлигини оширишга, иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш ҳамда миллий иқтисодиётни либераллаштириш жараёнида молиявий тартиббузарликларга барҳам бериш ва уларни қисқартириш юзасидан бир қатор тақлифлар билдирилди.

Ҳисоботни муҳокама қилиш яқунлари бўйича тегишли қарорлар қабул қилинди.

Шундан кейин сенаторлар Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофазаси қилиш давлат қўмитасининг раиси тўғрисидаги, Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва Олий хўжалик суди таркибига ўзгартириш киритиш ҳақидаги масалаларни қўриб чиқди.

Ялпи мажлисда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ваколатига тааллуқли бошқа долзарб масалалар ҳам қўриб чиқилди.

Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг 2008 йилги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботни қўриб чиқиш чоғида мамлакатнинг олий молиявий назорат органи томонидан ҳисобот даврида бир қатор устувор йўналишларда, чунончи, ўтган йилги Давлат бюджетининг ижроси ҳақидаги ҳисоботни ташқи аудит қилиш ва баҳолаш, солиқ-бюджет сиёсатининг асосий йўналишларини ва Ўзбекистон Республикасининг 2009 йилги Давлат бюджет лойиҳасини экспертиза қилиш, Давлат бюджет харажатларининг бюджет

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Матбуот хизмати.

**ИНСОНПАРВАРЛИК ВА БАҒРИКЕНГЛИК НАМУНАСИ**

Юртбошимизнинг бевосита ташаббуси, йўл-йўриқ ва сай-ҳаракатлари билан суд-ҳуқуқ тизимининг ислоҳ қилиш жараёнида нафақат суд ҳокимиятининг мустақиллигини мустаҳкамлаш, балки ҳуқуқ-тартиб идораларининг жамиятда қонун устуворлигини таъминлашдаги аҳамияти ва таъсирчанлигини юксалтириш бўйича амалга оширилган кенг қамрали ислохлар бугун ўзининг самарасини бермоқда, — дейди Мавжуда Абдуллаева. — Албатта, бу жараёнда суд ва ҳуқуқ-тартиб идоралари фаолияти билан боғлиқ қонун ҳужжатларининг улғусида равишда такомиллаштириш борасида жамиятимиз ривож ва тарқатишга ҳизмат қилмоқда. Бу фикрни қуйидаги мисол ҳам тасдиқлайди: охириги тўрт йилда ЖПКдаги суд ваколатлари инфодаланишда эътиборан мамлакат вақтида тузилган 29-мудда икки мартаба тўлдирилди. Жумладан, қамқоқ олинган тартибдаги эҳтиёт чорасини қўллаш ёки қамқоқда сақлаш муддатини узайтириш ҳамда амниятига асосан жиноят иши қўзғатишни рад этиш тўғрисидаги қўш маҳкуми ҳазордан озод қилиш ҳусусидаги ишларни қўриб чиқиш (2008 йил 28 декабрь) суднинг ваколатларига киритилди.

Суд-ҳуқуқ тизимида олиб борилган ислохлар ҳақида фикр юритар эканмиз, нафақат қонун ишлари бўйича иختисослашган судлар фаолиятини либераллаштирилгани, шунингдек, умумий юрисдикция судлари тизимидаги фуқаролар ишларини қўришга иختисослашган судлар ҳамда суд ҳокимиятида ўзига хос нуфузга эга хўжалик судларини ислоҳ этишга ҳам жиддий эътибор берилганини қайд этиш ўринлидир. Суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ этишнинг барча босқичларида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг қаролати сифатида адвокатуранинг институти ва адвокат фаолиятини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилади.

Мамлакатимизда жамиятнинг ислоҳ этиш ва модернизациялаш жараёни ҳозирги кунда ҳам изчил давом этмоқда. Суд-ҳуқуқ тизимини янада эркинлаштириш ва демократик қадриятлар жамиятимизда янада чуқурроқ илгиз этиши кўп жиҳатдан қонун ижодкорлиги жараёнида инсонпарварлик принциплари амал қилиниши ҳам боғлиқ эмасми? — Шу ўринда давлатимиз раҳбарининг «Юксак маънавият — енгилмас куч» асаридagi қуйидаги сатрларга диққатини тортмоқчимиз. «Маълумки, инсоннинг энг устувор ва муқаддас ҳуқуқларидан бири — бу тиқ яшаш ҳуқуқидир. Давлат ва жамиятнинг буричи ана шу ҳуқуқни бар-

қонунларни биринчи мартаба содир этган шахслар, айниқса, эркаклар (18 — 60 ёшгача) жазодан озод этилади. Қарорнинг учинчи, тўртинчи банди билан жазо ўтаётган пайтда оғир касалликка чалинган ҳамда икки йилдан кўп бўлмаган муддатга ўталмаган жазо муддати қолган маҳкумлар жазодан озод этилади, айбони оғирлаштирувчи ҳолатларда қасддан одам ўлдирган жиноятини содир этганлар бундан мустасно.

Қарорнинг бешинчи банди талабига кўра, тақдирланган ташкилотлар фаолиятини янада кенгайтириш, улар таркибига тинчлик ва хавфсизликка қарши ёки жамоат хавфсизлигига қарши жиноятлар содир этганлиги учун биринчи марта озодликдан маҳрум қилишга ҳукм этилиб, тузалмиш йўлга қатий ўтган шахслар жазодан озод этилади.

Амниятига бандига ҳужжатнинг олтинчи бандига мувофиқ, озодликдан маҳрум қилиш жазосига ҳукм қилинган, маъзур Қарор эълон қилинган кунга ўталмай қолган жазо муддати уч йилдан кўп бўлмаган шахслар манзил-қонлига ўтказилади. Бу маъмуриятга соқисиз эриш қийинлашди, меҳнат қилиш, жамиятдаги бўлиш имконияти яратилди, дегадилар.

«Шарқ тароналари — 2009»

29 август. Соат 19.00. Тунги Регистон жамоли таърифи сўз оқиз. Улугбек, Тиллакори, Шердор мадрасалари, улар ўртасидаги мўъжизавий сахна чироклари, минораларнинг нилий гумбазлари кўкдаги сон-саноксиз юлдузларга монанд жилоланади. Майдонда фестиваль иштирокчилари — 47 мамлакат, ЮНЕСКО, «Шарқ тароналари» байроқлари ҳилпираб турибди.

таҳкамлашга хизмат қилмоқда. «Бу фестиваль биз яшаётган бугунги нотинч ва ўта

унинг атрофидаги қишлоқлардаги археологик топилмаларнинг, хусусан, улар орасидаги тарихи асрлар би-

тивалига ўнлаб давлатлардан келган созандалар қўлида бир-бирларига айнан ўхшаш уд, арфа, най, қўшнай, ного-ра ва бошқа мусиқа асбобларини кўрамыз, — дейди Ўзбекистон Республикаси фан арбоби Темир Широнов. — Аслида бу созларни бундан минг йиллар аввал бизнинг ота-боболаримиз ясаган, чалган. Улар асрлар давомида дунё бўйлаб кенг тарқалиб, умуминсоний мулка айланган. Қарангки, бу муқаддас мусиқа асбоблари

Хаяжонли лаҳзалар бошланди. Голиб ва совриндорлар номлари эълон қилинди.

Унга кўра, олий мукофот — Гран-при Туркменистонда хизмат кўрсатган артист Лали Бегназарова ва халқ чолгу ансамблига насиб этди. Ўзбекистон халқ артисти Матлуба Дадабоева ва халқ чолгу ансамбли ҳамда Озарбойжон бадий жамоаси биринчи, исроиллик Леви Шемптов ва Жанубий Корея бадий жамоаси иккинчи, Кувейт бадий жамоаси ва Италия ижрочиси Лаура Моллика учинчи ўринга муносиб кўрилди. Нуфузли анжуманда махсус мукофотлар ҳам топширилди.

Мўғулистон, Хитой, АҚШ, Бангладеш, Ҳиндистон мамлакатлари мусикачи ва ижрочилари халқаро ҳайъатнинг махсус соврини билан тақдирланди. Германия ва Эрон санъаткорлари «Мухлислар қалбидан жой олган жамоа» номинацияси бўйича голиб чиқишди. Қозоғистон ва Ҳиндистон бадий жамоаларига Самарқанд вилояти ҳокимлигининг «Миллий санъатни ривожлантиришга қўшган ҳиссаси учун» соврини топширилди. Фестиваль байроғи туширилди. Мушакбозлик бошланди, Самарқанд осмони янада ёришиб кетди. Халқаро мусиқа анжумани иштирокчилари яна икки йил эртакмонанд, мўъжизавий шахарни, унинг оққўнғил, меҳмондўст одамларини соғиниб яшашларини айтишиб, навбатдаги мусиқа анжуманида қайта учрашиш ниютида ҳайрландилар.

Фестивалнинг ёпилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р. Қосимов, Самарқанд вилояти ҳокими У. Барноев иштирок этди.

Абдураул САТТОВОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

«ТОШКЕНТ — 2200» АЛЬБОМИ НАШРДАН ЧИҚДИ

«Ўзбекистон» нашриёт-матбаа уйи томонидан Тошкент шахрининг қутлуғ тўйига бағишлаб «Тошкент — 2200» альбому нашр қилинди.

Альбом Президентимиз Ислам Каримовнинг мамлакатимиз пойтахти ҳақидаги фикрлари билан бошланади. Юртбошимизнинг фикрларида, жумладан, шундай дейилади: «Йигирма икки аср аввал вужудга келган, Буюк Ипақ йўли чорраҳасида жойлашган, ўзининг муҳим журрофий ва геосийсий ўрни, дунё цивилизацияси ривожига қўшган улкан ҳиссаси билан ҳақи равишда «Шарқ дарвозаси» деб ном олган Ватанимиз пойтахти — азим Тошкент серкўёш Ўзбекистонимизнинг бой тарихи ва бетакор қуруқ тароватини ўзида аққол намён этади».

Ноёб тарихий суратлар ва материаллар, чуқур илмий ҳулосалар, замонавий дизайн санъати ва матбаачилик ютуқлари асосида тайёрланган ушбу альбом уч боддан иборат. «Тошкент қадимда ва ўрта асрларда» деб номланган дастлабки бодда Тошкент воҳасидаги энг қўна одамзод манзилгоҳлари, у ерлардан топиладиган меҳнат қуроллари, қотшошларга ишланган расмлар, фил суюғидан ясалган ҳайкал ва бошқа тарихий осориётқалар ҳақида атрофлича фикр юритилди. Шунингдек, Шошпета, Юнус-обод Оқтепаси, Мингўрик, Бинкат, Қанча шахрситонларининг тарихи ақс эттирилиб, шаҳар ва унинг атрофидаги ҳудудларда юз берган тарихий-маданий жараёнлар ҳақида ҳикоя қилинади. Шу билан бирга, Тошкент шаҳрида ислом маданиятининг ривожланиш босқичлари таҳлил қилиниб, миллий меъморчилигимизнинг мумтозо намуналари бўлган Шайх Зайниддин бобо, Шайх Хованд Тоҳур, Юнусхон ва

Имом Кафқол Шоший макбаралари, Қўқалдош, Барокхон ва Мўйин Муборак мадрасаларининг суратлари ақс эттирилган.

«Тошкент 1860-1990 йилларда» деб номланган иккинчи бодда тарихий лавҳа ва суратлар асосида пойтахтимизнинг XIX аср ўрталаридаги ҳамда чоризм

тақиллиқнинг илк кўнрагини бошлаб Тошкент ўзининг пойтахт шаҳар мақомига, Марказий Осиё минтақасидаги энг йирик сийсий-маданий марказ сифатидаги ўрни ва мавқеига ҳар томонлама муносиб бўлиши учун унинг ривожига алоҳида эътибор бериб келатгани, шахарни ривожлантириш концепцияси ҳам айнан шу мақсадга йўналтирилгани алоҳида таъкидланади.

Альбом саҳифаларини беэаб турган Оқсарой, Олий Мажлис Сенати ва Қонунчилик палатаси, Вазирлар Маҳкамаси сингари марказий раҳбарлик идораларининг биналари, Мустақиллик майдони, «Ўзбекистон» халқаро анжуманлар саройи каби ноёб маҳмувалар, замонавий таълим, тиббиёт ва спорт масканлари, маданий-маиший объектлар, ишлаб чиқариш корхоналари, Тошкент аҳлининг бахтиёр чехралари ақс этган фотосуратлар ва ёрқин лавҳаларда пойтахтимиз қиёфаси мустақиллик йилларида тубдан ўзгариб, бу азим шахарнинг Ўзбекистон пойтахти деган юксак мақомга ҳар томонлама муносиб бўлиб бораётгани ўз ифодасини топган.

Мухтасар айтганда, альбомда мамлакатимиз пойтахтининг 2200 йиллик тарихи, бугунги ва келажак тараққиёти тўғрисида, унинг шон-шухратини асрлар синовидан муносиб олиб ўтиб, янги ва сермазмун саҳифалар билан бойитилган меҳнатқаш эл, фидойи ва улуг инсонлар ҳақида ҳикоя қилинади. Ўзбек, рус ва инглиз тилларида чоп этилган бу альбом Тошкент билан ақиндан танишиш, бу шахарнинг ўзига хос руҳи ва қиёфаси, таъбир жоиз бўлса, унинг феномени — асл табиати ва ҳосиятини янада чуқурроқ тушуниш ва англашда муҳим аҳамият касб этади.

Мухтасар айтганда, альбомда мамлакатимиз пойтахтининг 2200 йиллик тарихи, бугунги ва келажак тараққиёти тўғрисида, унинг шон-шухратини асрлар синовидан муносиб олиб ўтиб, янги ва сермазмун саҳифалар билан бойитилган меҳнатқаш эл, фидойи ва улуг инсонлар ҳақида ҳикоя қилинади. Ўзбек, рус ва инглиз тилларида чоп этилган бу альбом Тошкент билан ақиндан танишиш, бу шахарнинг ўзига хос руҳи ва қиёфаси, таъбир жоиз бўлса, унинг феномени — асл табиати ва ҳосиятини янада чуқурроқ тушуниш ва англашда муҳим аҳамият касб этади.

(Ў.А.)

ҚАЛБЛАРДА МУҲРЛАНГАН САМАРҚАНД

Ушбу азим шахарда бўлиб ўтган еттинчи халқаро фестиваль унинг иштирокчилари ва томошабинлар юрагидан абадий жой олди.

Бундан ўн икки йил аввал Президентимиз ташаббуси билан ташкил этилган «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивали Ўзбекистон санъати ва маданий ҳаётидагина эмас, балки халқаро микёсда ҳам ўзига хос ўрин эгаллади. Йилдан-йилга унинг шуқуқи, доврўғи дунё бўйлаб ошиб бормоқда. Мағрибу Машриқдан, Шимолу Жанубдан келатган таниқли санъаткорлар, ёш талантлар чиқишлари, уларнинг ижро услублари анжуман нуфузига нуфуз қўшмоқда. Мазкур анжуман тили, дини, урф-одатлари турлича бўлган миллат ва элатларни мусиқа орқали бирлаштиришга, Шарқ мамлакатлари халқлари миллий мусиқа ва кўшиқчилик санъатининг ноёб намуналарини кенг тарғиб этишга, анъаналарни асраш ва ривожлантиришга, ёш авлод қалбига санъатга бўлган меҳр-муҳаббат туйғуларини камол топтиришга, дунё халқлари ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорликни мус-

мураккаб замонда элу элатлар ўртасида ҳамкорлик ришталарини мустаҳкамлаш, ҳаётбахш мусиқа оҳанглари орқали одамлар қалбига азгу инсоний туйғуларни ўйғотиш, муштарак томирларни бир-бирига пайванд этиш каби олижаноб мақсадларга хизмат қилиши билан алоҳида эътиборга сазовор», деди мамлакатимиз Президентини «Шарқ тароналари» еттинчи халқаро мусиқа фестивалининг очилишига бағишланган маросимдаги табрик сўзида.

Дарвоқе, Ўзбекистоннинг қадимдан санъат ва мусиқада Шарққа доврўқ солгани, башариёт тамаддунда «Илоҳий мақом санъати» сифатида ўчмас из қолдиргани, бу борда кўҳна Самарқанднинг ўрни қай даражада эканлиги тарихдан маълум. Кўҳна шахар ва

лан ўлчанадиган мусиқа асбобларининг ўзёёқ бу фикрларни исботлайди.



СУРАТДА: фестивалнинг олий мукофоти — Гран-при соҳиббаси туркменистонлик Лали Бегназарова.

Тоҳир НОРҚУЛОВ (Ў.А) олган сурат.

— Ҳар гал «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фести-

асрлар мобайнида дунё кезиб, турли миллат ва элатлар қалбига завқ-шавқ, илҳом бериб, яна қадим бешиги Самарқандга қайтиб, янгича оҳанглар таратаётти.

Шундай қилиб, беш кун мобайнида давом этган «Шарқ тароналари» еттинчи халқаро мусиқа фестивали яқунланди. Анжуманнинг танта-налий ёпилиш маросимига юзлаб томошабинлар ташриф буюришди.

Маросимда «Шарқ тароналари» еттинчи халқаро мусиқа фестивали ҳайъати раиси Мун Хюнг Сук сўзга чиқиб, анжуманнинг нуфузи, халқаро аҳамияти, миллатлараро дўстлик, биродарлик ришталарини мустаҳкамлашдаги ўрни хусусида гапириб, унинг юқори савидада ўтказилганлиги учун Президентимизга миннатдорчилик билдирди.

ФОЛИБЛАР ТАҚДИРЛАНДИ

Мамлакатни дунёга танитишда спортнинг ўрни катта эканлиги барчамизга яқши маълум. Бугун Ўзбекистонлик спортчиларнинг халқаро мусобақаларда қўлга киритаётган ютуқлари ҳар қанча мақтовга арзигулқидир. Жорий йилнинг кейинги ойлари ҳам юртдошларимиз учун омадли келди.

Айниқса, Олимпиада ўйинлари дастуридан жой олган спорт турлари бўйича эришилган ютуқлар салмоқли бўлди. Жумладан, шу йилнинг 26-28 июнь кунлари июн-рум кураши бўйича Дортмунд (Германия) шаҳрида ўтказилган Гран-при турнирида Элдор Ҳафизов (55 кг.) кумуш медалини қўлга киритди. 6-13 июль кунлари Сюдтирол (Италия) шаҳри мезбонлик қилган енгил атлетика бўйича ёшлар ўртасидаги жаҳон чемпионатида Анастасия Савчикова (найза улоқтириш) биринчи, Валерия Канатова (уч хатлаб сакраш) бронза медалига сазовор бўлди. 4-9 август кунлари Анкара (Туркия)да июн-рум кураши бўйича ёшлар ўртасидаги жаҳон чемпионатида ҳамюртимиз Азизбек Муродов (74 кг.) шохсупанинг юқори погонасидан жой олди.

2-16 август кунлари Канаданинг Дартмут шаҳрида байдарка ва каноэда эшак эшиш бўйича бўлиб ўтган жаҳон чемпионати ҳам Ўзбекистонлик ишқибозлар қалбига узоқ сақланиб қолса керак. Пекин Олимпиадасида иштирокчилари Вадим Меньков каноэда 1000 метр масофага эшак эшиш бахсларида 3.55,947 натижа қайд этиб, жаҳон чемпиони деган шарафли номига сазовор бўлди. У бу йўлда Матье Жубель (Франция) ва Себастьян Брендель (Германия) сингари тажрибали спортчиларни ортда қолдириб кетди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди

ГРАНТ ОЛИШ УЧУН ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Ўзбекистон Республикасининг нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларидан атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва аҳоли соғлигини сақлаш ишларида аҳолининг ижтимоий фаоллигини оширишга, республика ҳудудларида экологик вазиятни соғломлаштиришга қаратилган қўйидаги мазкур лардаги лойиҳалар кўриб чиқиш учун қабул қилинади: — аҳоли тоза ичимлик суви билан таъминлашда, ерларнинг мелiorатив ҳолатини яхшилашда, уларнинг шўрланишини пасайтиришда, сув ва ер ресурсларидан ҳама ёр ости бойликлари-дан оқилона фойдаланишда кўмаклашиш; — аҳоли ўртасида эколо-

ролик жамиятининг бошқа институтлари иштирок этиши мумкин. Танлов бўйича қўйидаги ҳужжатлар муҳрланган (ёпик конвертда (А4 форматда): «100035, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳар, Бунёдкор кўчаси, 1-уй» манзилда жойлашган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди номига юборилиши шарт. — танловда иштирок этиш учун белгиланган шаклдаги арзила илова қилинган хат; — шу аризонинг аноним шаклдаги, яъни ташкилот номи ва географик ҳудуди кўрсатилмаган ҳолдаги нусхаси; — ташкилот ҳақидаги белгиланган шаклдаги маълумот (резюме); — аризонинг (оддий ва аноним шаклда) электрон кўринишдаги CD дискдаги нусхаси. Танловнинг республиканинг турли ҳудудларидан иштирок этиш учун қўйидаги ҳужжатларни электрон почта орқали grant-5-ngo@inbox.ru манзилга юборишлари мумкин. Бунда ҳужжатлар ташкилот раҳбарининг электрон (сканер ёрдамида) имзоси ва муҳри билан тасдиқлангани лозим.

Барча матли ҳужжатлар Times New Roman 14 шрифтида тайёрланиши керак. Танловни ўтказиш шартлари ва танлов ҳужжатлари намуналари билан Фонднинг қўйидаги расмий сайтда: www.fundngo.uz, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фондининг Ижро этувчи деовнида танишиш мумкин (тел.: 239-26-76).

Дзюдо бўйича Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари Мустақилликнинг 18 йиллик байрағига муносиб совага ҳозирладилар.

Дзюдочиларимиз совриндорлар сафида

Роттердам (Голландия) шаҳрида ўтказилган жаҳон чемпионатида Пекин Олимпиадаси кумуш медал соҳибдорлари Абдулла Тангриев ва ёш икtidорли полковникимиз Дилшод Чориев муваффақиятли иштирок этишди. Жумладан, +100 килограмм вазн тоифасида гиламга чиққан Абдулла Тангриев саралашда Януш Войнарлович (Польша), Жонсон Тормадур (Исландия) ва Даниэл Эрнандес (Бразилия) сингари тажрибали полковникларни мағлубиятга учратиб, ярим финалга йўл олди. Ушбу босқичда унга кубалик номдор дзюдочи Оскар Брайсон рақиб бўлди. Эсингизда бўлса, ўтган йилги Пекин Олимпиадасида Абдулла айнан шу дзюдочини енгиб, финал йўлнамасига эга бўлган эди. Дзюдочилар бир-бирининг усулларини яқши ўлаштириб олганиларни боис голибни аниқлаш бу сафар бир оз қийин кечди. Яқунда ҳақамлар кичик фарқ билан кубалик дзюдочи галаба қозонганлигини эълон қилдилар. Абдулла Тангриев эса бронза медал билан кифояланди. Шунингдек, Дилшод Чориев (90 килограмм.) ҳам Ватанимизга бронза медал билан кайтадиган бўлди. Дилшод шу йилнинг май ойида Хитой Тайпей мезбонлик қилган Осиё чемпионатида кумуш медал билан тақдирланган эди.

Халқ сўзи Народное слово МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ 2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 803. 36192 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қўғоғ бичими А—2. Баҳоиси келишилган нархда. ТЕЛЕФОНЛАР: Девонхона 233-52-55; Котибият 233-10-28; Эълонлар 236-09-25. ISSN 2010-8788

Тажрибали келган кўлемлар тақрир қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Реклама материаллари учун таҳрират жавобгар эмас. Газета таҳрират компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Ж. Тоғев ва М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди. Тижорат материал

МАНЗИЛИМИЗ: 100000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Навбатчи муҳаррир — А. Оминов. Навбатчи муҳаррир — М. Жонхонов. Навбатчи — З. Жонбеков. Мусоҳиҳ — Х. Топхўжаев.